

Күшни уйнинг энг юкори хонасига якиндан бери ўн тўккиз-йигирма ёшлардаги бир йигитча келиб яшай бошлади. Мен уни биронта олий ёки ўрта-максус билим даргоҳида ўқиса керак, деб ўйлагандим. Одатда мен янги кўшнимни унинг хонаси рўпарасидаги ўз хонамдан кўриб турар эдим. У озгингина, ранги сўлгин, негадир хафа кўринарди. Доим хона бурчагида чирок ёругида ўтиради. Гоҳ кандайдир китобни ўкир, гоҳида эса, дафтарга нималарнидир ёзаётган ёки ниманидир ёд олаётган бўларди.

Мен совук киш кечаларининг бирида уйга кайтиб келиб уни кўрмагунимча, унга эътибор бермаган эканман. Нима учундир хонамга кирдиму, ногох унга кўзим тушди. Йигитча ўз ўрнида – чирок ёнида ўтирап, бошини очик турган дафтарга кўйиб олганди, “Кийин дарслар ва уйкусиз тунлар уни чарчатган бўлса керак”, ўйладим мен. Унинг кўзларидағи уйкуни сезганим боис, фикран уни ўз жойига бориб ётишига ундинадим ва у бошини кўтартмагунча жойимдан жилмадим. Шундагина унинг кўзлари ёшга тўла хамда шу кўз ёшлари дафтар сахифасига томганини кўрдим. Сиёҳ кўз ёшларидан бўялиб, ўкиб бўлмайдиган холатга келган эди. Оздан кейин йигитча ўзига келди, каламини олиб, ишини давом эттириди. Бу коронгу кечада факир, бахтсиз ёш йигитчани ёлгиз, бўм-бўш совук хонада, оловсиз, иссик кийимсиз кўриш мени ўйлантириб кўйди. Уни хаёт кувонч ва ташвишлари ўз домига олган, такдир зарбалари зор какшатган, аммо у на таскин топа олган эди, на суюнч. Бу хоргин, гайратсиз сиймо ортида тоза, азобланаётган калб борлигига ва бу рухий азоблардан жисми ковжираб, кундан-кун заифлашиб бораётганига ишончим комил эди. То йигитча дафтарини ёпиб, ўрнидан туриб, ухлашга кетмагунча мен жойимда туравердим. Бу вактда аллакачон тун зулмати чекинган, ундан ер юзида асар хам колмаган эди, туннинг охирги дакикаларини хам тонг шафаги эгаллай бошлаган эди.

Шундан сўнг кўпгина тунлар мен кўшним йиглаётганини ёки бошини куйи солиб ўтирганини, яна ўз жойида ётиб олиб, худди яхши кўрган кишисини йўкотиб кўйган аёлга ўхшаб, инграётганини кузатдим. Гоҳида у хонанинг у ёғидан-бу ёғига тинмасдан юрар, охири мадори куриб, курсига ўтириб колар эди.

Унинг гамига шерик бўлганча мен хам ахён-ахёнда кўз ёши тўкардим. Агар иложи бўлса эди, унга дўст сифатида ўзини асранини ва ўз гамига мени шерик килишини илтимос килар эдим. Бу кўлимдан келарди хам, аммо йигитчани хижолатга кўйишдан ва унинг калб тубида яширинган сирларидан викиф бўлишдан кўркардим. Ахир ўз сирларини яшириб юриш хам инсонга хос нарса эмасми!

Ўтган кун деразадан карасам, йигитчанинг хонаси тинч ва коронгу. Мен уни бирор ёкка чиккан бўлса керак, деб ўйладим. Лекин, шу захоти заиф, хаста инграш кулогимга чалинди. Бу товуш мени хаяжонга солди ва мен уни бир баҳтиаронинг калб тубидан чикаётганини хис этдим, ўз юрагимда хам унинг акс этганини сездим. Ўзимга ўзим : “Бу йигитча касал, ёнида эса унга ёрдам берадиган хеч ким йўк”, – дедим.

Такдир мени у билан бекорга учраштирганди. Хизматкорга дархол фонусни келтиришни буюрдим ва уйдан чикиб кўшнимни ки йўл олдим. Уй бўсагасидан хатлаб киришим билан мени кабр устида мархумга видолашув сўзлари айтиётган одамдаги тушкунлик чулгаб олди. Кирганимни пайкаб, йигитча, худди уйкудан ёки мангаликдан ўзига келгандек, кўзларини очди. У олдида хира фонусни ва нотаниш одамни кўриб, хайратланди. Бир муддат у жимгина менга тикилиб турди. Мен унинг каравотига якин бориб ўтирудим ва дедим: “Мен сизнинг кўшнингизман. Сизнинг огир инграшингизни

эшитиб, бу ерда бир ўзингиз эканлигингизни тушундим. Бу нарса мени хушёр килди ва мен келдим. Балки ёрдамим тегар? Ўзингизни кандай хис килаяпсиз?". Йигитча кўлини кўтариб, пешонасига кўйди. Мен хам унинг пешонасига кафтимни кўйдим, унинг пешонаси ёнарди. У каттик иситмалаб ётарди. Сўнг мен унинг баданига разм солдим; каршимда эти бориб устихонига ёпишган муштдек жусса ётарди, у кийими ичидага аранг кўринарди.

Мен хизматкоримга иситма дориси олиб келишни буюрдим ва уни беморга ичирдим. У тезда ўзига келди. Менга зийрак нигоҳлари билан караб, миннатдорчилик билдириди. Мен ундан: "Укам, сизни нима безовта килаяпти?" – деб сўрадим. "Хеч нарса", – деб жавоб берди. Шунда мен унинг качондан буён бундай ётганини билмокчи бўлдим. У буни эслай олмаслигини айтди. "Сизга табиб керак", – дедим унга. – "Уни бу ерга чакирсан майлими?" Йигитча бироз каддини кўтариб, ёшланган кўзлари билан караганча синик овозда: "Табиб факат ўлимдан хаётни афзал кўрадиганларга ёрдам килади", – деди. Шундан сўнг у кўзларини юмди ва яна хушидан кетди. Мен беморнинг хохиш-иродасига карамасдан табибни чакириш лозимлигини англадим.

Табиб исик жойидан кўзгатиб, совук тунда коронгу кўчалардан юришга мажбур килишганидан норози холда кириб келди. Лекин, мен унинг кўнглидаги гапни билар эдим, шунинг учун хеч нарса демадим. Табиб беморнинг томирини ушлаб кўриб, кулогимга: "Беморингиз ўлим тўшагида. Агар Оллоҳ аралашмаса, унинг умри оз колибди, бандасига аён бўлмагани яратганга аёндир", – деди. Шундан сўнг табиб ўтириб, куни битган беморлар ичадиган дорилардан ёзиб берди. Гўё бу билан табиб ўз хамкаслари – доришуносларга кул – беморлардан хаёт солиги олиб колишни буюради.

Мен табибни рози килганимдан кейин у мамнун холда чикиб кетди. Бемор йигитча олдида узун ва зулматли тунни ўтказдим. Тонг отгунча гоҳ унга дори ичирдим, гоҳ уни ўйлаб йигладим. Йигитча ўзига келди, у ёқ-бу ёкка караб менга кўзи тушди ва сўради: "Сиз хали хам шу ердамисиз?". Мен: "Ха, – дедим, – сал ўзингизга келиб колдингизми?". "Ха, шунакага ўхшайди", – деди у. Мен яна сўрадим: "Биродар, малол келмаса, айтинг-чи, бу ерда нима киласиз? Мехмонмисиз ёки шу ерликмисиз? Сизни касаллик кийнайптими ё бошка бир сир борми?". У: "Мен хар иккисидан азобдаман", – деди. "Сизга нима бўлганини айтиб бера оласизми? – деб унга мурожаат килдим. – Худди дўст ўз дўстига кўнглини очган каби ўзингизнинг ташвишларингизни айтиб бера оласизми? Шунда мен сизнинг ташвишларингизни худди ўзингиз хал килгандек хал килиб берардим". Бемор менга савол билан жавоб берди: "Агар Оллоҳ менга хаёт берса, менинг сиримни саклашга, агар ўлим хак бўлса, менинг васиятимни бажаришга ваъда берасизми?". Мен: "Ха", – деб уни ишонтирдим. Шундан сўнг йигитча деди: "Мен сизнинг ваъдангизга ишонаман, чунки, жуссасида сизни кидек шундай улуг юрак уриб турган инсон ёлгончи хам, соткин хам бўлиши мумкин эмас".

"Менинг исмим фалончи, фалончининг ўглимани. Отам олти ёшимда мени йўқчиликка топшириб, ўлиб кетган. Мени отамнинг укаси – амаким ўз тарбиясига олди. Амаким колган барча кариндошларим ичидаги энг яхшиси эдилар, кўнгиллари тоза, меҳрибон, раҳмдил одам эдилар. Мен уларни кидек кичкина кизлари кандай эркин яшаса, шундай эркин яшадим. Унинг ёши хам мен тенги ёки бироз кичикрок эди. Амаким ўз кизлари олдида узок йиллар Оллоҳдан сўраб етолмаган ўгил фарзанд – акасини кўриб кувонарди. У менга худди кизига кандай гамхўр бўлса, шундай гамхўр эди, хатто мактабга хам иккаламизни бир кунда юборгандарлар.

Мен у кизга худди акадай самимий муносабатда эдим ва унга жуда ўрганиб колдим. У

билан дўстлашиб, ота-онамни олиб кетган ва вакти-вакти билан ўзини билдириб турадиган гам-алам боис йўкотган кувонч ва баҳт онларини туйдим. Синглим вояга етиб, алоҳида хонада яшаш вакти келмагунча биз доим бирга бўлдик. Бирга мактабга борар ва бирга кайтар эдик, ховлида ўйнар ёки бодга сайр килардик, синфда дарс килиш учун учрашардик ёки ухлашдан олдин сухбатлашардик. Бизнинг калбларимизда севги олови ёна бошлаган ва уни хеч кандай тақдир тўсиклари ёнга олмайдигандек эди. Хаёт гўзалликларини мен факат унинг ёнида хис этардим, баҳт нурини факат унинг тонг уфки каби мусаффо кулгуларида кўрар эдим. Унинг олдида ўтказган бир соатим учун хаётимнинг барча кувонч ва халоватларидан кечган бўлардим. Аклу заковат, яхшилик, самимият, садокат ва яхши тарбияни мен факат унда кўрдим ва бошка кизларда бу сифатларни тан олишни истамас эдим.

Хозирда мени зулмат коронгуси ва гаму ташвишлар ўраб олган бўлса хам, узокдан болалик кунларимизда бизни ўраб турган ок нур таратувчи хузур-халоватнинг канотларини кўра оламан. Шу боис, биз иккимиз хам ўшанда худди билур кадах ичидаги май каби нур сочар эдик. Мен бизнинг кувончларимиз, орзу ва истакларимиз гувоҳи бўлган гўзал богни тасаввур эта оламан, уни худди олдимда кўргандек кўра оламан, уни, унинг сувларини, тош йўлларини, дараҳт новдаларини, гулларнинг барча рангларини – хамма-хаммасини, хатто, биз кун сўнгида бирга ўтиришган ўша тошли ўриндикни хам. Биз сухбатлаши ёки гуллардан гулчамбар ясаш учун, ёки кайсиdir китобни вараклаш учун ёки бўлмаса ким яхши чизиш бўйича баҳсласиши учун шу ерда учрашар эдик. Мен дарсларимиз тугагандан кейин доимо унинг соясида ўзимизга кулаг жой топиб, ўзимизни худди оналари багрида ором топган куш болалари каби хис килган ўша кўм-кўк ўт-ўланларни яккол кўз олдимга келтира оламан. Яна мен арик ва булокчалар олдида кавлаган кичик-кичик ховузча-ларимизни тасаввур эта оламан. Биз уларни сув билан тўлдирап эдик, сўнг унинг атрофида ўтириб олиб, у ерга ташлаган баликчаларимизни кўлими билан тутиб ўйнар эдик. Агар овимиз зўр бўлса, мамнун бўлар эдик. Мен кушлар бокадиган ажойиб тилларанг кафасларни кўз олдимга келтира оламан, биз соатлаб уларнинг ёнида ўтириб, уларни кузатар эдик хамда уларнинг гайриоддий тумшукларини томоша килар эдик. Кушлар сув ичаётганида ёки дон ейишаётганида биз уларга лакаб кўйиб олар эдик ва улар билан гаплашардик. Уларнинг чугур-чугурини эшитиб бизнинг сўзларимизга жавоб беришаяпти деб ўйлар эдик. Амакимнинг кизига бўлган сирли хис-туйгуларим ака-сингиллик риштаси эдими ёки оловли мухаббатими, буни хозир айтишга ожизман, лекин аник биламанки, бу ноаник ва ноумид туйгу эди. Киз боланинг мусаффо юрагига гам-ситам юкини ортганларнинг биринчиси бўлмаслик учун мен унга ўзимнинг соф мухаббатимни ошкор этмадим. Чунки мен уни, яъни энг яхши кўрган амакимнинг кизини хамда эрта болаликдаги ўртогимни жуда эъзозлар эдим. Бир-биримизнинг умр йўлларимизни бирлаштириш хатто хаёлимга хам келмас эди. Унинг ота-онаси менга ўхшаш бу бечора, баҳтсиз йигитни худди кизларидек ёктиришларига ишонмас эдим. Мен ундан барча севишганлар эхтиёж сезадиган нарсаларни талаб килмас эдим, чунки мен унинг кадрини жуда баланд тутар эдим. Унинг ўткир нигоҳларига караш билан унинг калби тубида мен учун канча жой ажратганига эътибор килмас эдим, балки ака сифатида жой ажратгандир, балки севгилиси сифатида. Амакимнинг кизига бўлган севгим худди руҳоний малойика кархисида тиз чўкиб, таъзим килишдай гап эди, гўё у илохий маъбудаю мен унга бosh кўтариб карашга журъат килмаган художўйман.

Токи амаким огир касалликка чалиниб вафот этгунларича биз шундай яшадик.

Амакимнинг хотинига умид билан айтган охирги сўзлари шундай бўлди: “Ўлим бу болага килаётган гамхўрлигимга халакит бермоқда, мен унга кандай ота бўлган бўлсам, сен шундай она бўлгин. Мен сенга ўлимимдан кейин у мендан бошка хеч нарсасини йўкотмаслигини васият киламан”.

Аммо аза кунлари ўтмасданок мен ўзимга нисбатан бошка муносабатни, бошкacha карашларни сеза бошладим. Калбимда шу пайтгача ёт бўлган ўзгача бир хис-туйгу пайдо бўлди. Мени хадик ва умидсизлик камраб олди, умримда биринчи марта бу уйда бегоналигимни, ёруг жаҳонда мусоғир эканимни ўйлаб кетдим.

Кунларнинг бирида хонамда ўтирган эдим, хонамга истараси иссик, очиккина хизматкор аёл кириб келди. У тўгри олдимга келди-да, деди: “Хўжам, хоним сизга бир гапни айтиб кўйишимни буюрдилар; якинда у кизини турмушга чикарап экан, сиз ва синглингиз вояга етганингиз боис амакингиз вафотидан кейин сизнинг бу ерда колишингиз куёвда шубха уйготиши мумкин. Хозир сиз яшаётган хонада келин-куёвларга жой хозирланар экан. Хоним ўзларига тегишли кайси уйни хоҳласангиз ўшанга ўтиб яшашингиз мумкинлигини айтдилар. У сизга барча шарт-шароитларни яратиб бериб, айрилик азобларини хис этмас экансиз”.

Бу сўзлар отилган ўқдай юрагимни тешиб ўтди. Шундай бўлса-да, ўзимни кўлга олиб: “Менинг истагим нима бўларди, Оллоҳ рози бўлса, бўлгани”, – дедим.

Хизматкор аёл юмушига кетди, мен эса кўз ёшларимга эрк бериб коронгу тушгунча бир ўзим ёлгиз колдим. Жомадонимни олиб унга кийимларимни ва китобларимни жойладим ва ўзимча ўйладим: “Бу хаётда мени баҳтли киладиган хеч нарса колмади, хатто мен хурмат киладиган ва мени хам хурмат киладиган якин кишимдан-да жудо бўлдим. Энди на кувона, на афсус кила оламан”. Шундан сўнг билдиримайгина бу уйдан чикиб кетдим. Аммо кетишимдан олдин сўнг бор шаффоф парда ортида тинчгина ухлаётган севгилимга назар ташладим. Бу менинг у билан сўнгги учрашувим эди.

Касамки, жонажон Багдодни гина килиб тарк этмадим,
Эх, канийди Багдодда умрбод кололсам!
Мени гам кийнади, шу боис пинхона кетдим,
Хатто дўстлар билан хайрлашишга хам колмади мадор.

Худди Одам алайхиссалом жаннатни тарк этганидек, мен хам узок вакт баҳтли яшаб келаётган уйимни тарк этдим. У ердан караҳт, кочокка ўхшаб аянчли тусда мусибатлар ва хавф-хатарлардан боши чикмаган киши каби ортиқ учрашишга умидим йўқ холда тақдирга тан бериб, гариблик сари юз тутдим.

Бахтиёр онларимдан нишона сифатида озгина пулим бор эди. Юкори каватдаги мана шу бўш хонани ижарага олдим, лекин бу ерда лоакал бир соат хам туролмадим, юрагимни хасрат ва гамдан озод киладиган дори топиш илинжида гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга кўчиб юра бошладим. Бир неча ойлик узок сафарга жўнаб кетдим. Бир шахарга келиб кўндин демагунча кўнглим бошка шахарни тусайверади, бир жойга куёш чика бошлаганида етиб борсам, ботаётганида бошка жойда бўлардим.

Шунга ўрганиб колган эдим. Аммо мактабда дарслар бошланиб колди ва мен болалигим ўтган шахарга, амакимнинг уйига кайтдим. Энди одамлар орасида яшасам-да, якка яшаш орзусида хамон уларнинг кўзига ташланавермасдим. Мен ўзим билан ўзим бўлишга, хеч нарсага эътибор килмасликка, ўтмишимни унутишга, ўтмишимни эслатадиган барча нарсалардан кочиб яшашга карор килгандим.

Мактаб ва уйдан бошка хеч каерга бормасдим. Калбимда ўтмиш кечинмаларимдан хеч вако колмаганди. Факат гохида пайдо бўладиган гамгина рухимни безовта килиб турар эди, шунда мен ўзимнинг ёлгизлигимдан аччик-аччик йиглаб олардим. Буни Оллоҳдан бошка хеч ким билмасди, токи калбим сокинликка эришунча шу холат давом этди.

Мен бирмунча муддат шундай яшадим. Кеча эса канча пулим колганини билмокчи бўлдим. Карангки, пулим колмабди ва мен бундан кейин кандай яшшимни ўйлаб колдим, боз устига яна ўкиш пулни хам тўлаш зарур эди. Ахволим танг эканлигини ўйлаб анча довдираб колдим, нима килишимни билмасдим. Шунда китобларимни кўздан кечирдим, энг зарурларини колдириб, колганларини китоб бозорига олиб бордим. У ерда кун бўйи турдим, аммо китобларимни тўртдан бир баҳосига хам оладиган харидор бўлмади.

Чарчаган ва жахлим чиккан холда уйга кайтдим, шу лахзаларда мендан-да баҳтсизрок ва мендан-да гариброк инсон йўқ эди.

Уй дарвозаси олдида кўшнилардан мени сўраб турган кандайдир аёлга кўзим тушди.

Мен уни танидим. У амакимнинг уйидаги хизматкор аёл эди. Мен: “Сиз фалончими?” деб сўрадим. У: “Ха” деб жавоб берди. Мен у аёлдан нимага келганини сўрадим, аёл менда иши борлигини айтди. У билан ўз хонамга кўтарилидим, ёлгиз колганимизда ундан нима гапи борлигини сўрадим. У гап бошлади: “Уч кундан буён сени кидирмаган жойим колмади, сени на бирор кўрган, на бирор эшитган. Мана, охири сени бугун топдим”. Шундай деб аёл хўнграб йиглаб юборди. Унинг йигиси мени чўчитиб юборди. Мархум амакимнинг уйида бирор бир кор-хол бўлдимикин деб кўркинч билан хизматкор аёлдан нимага йигляяпсиз деб сўрадим. У ажабланди: “Наҳотки амакингнинг уйида нима бўлганидан бехабар бўлсанг?” деди. “Хабарим йўк, – деб жавоб бердим. – Хўш нима бўлди?”. Шунда хизматкор аёл кийимининг катидан бир хат олиб, менга узатди. Мен хатни очдим, у менинг севгилимдан эди. Мен хеч качон ёдимдан чикмайдиган сўзларни ўкий бошладим: “Мен билан хайрлашмасдан кетиб колибсан, лекин бундан хафа эмасман. Аммо бугун мен ўлим тўшагида ётибман, мен билан охирги бор хайрлашишга келмасанг, сени кечирмайман”. Кўлимдаги хатни иргитиб, эшик томон талпиндим.

Хизматкор аёл енгимдан тортиб тўхтатди: “Хўжам, йўл бўлсин?”. “У касал, мен уни, албатта, кўришим керак”, – деб кичкирдим унга. Аёл бироз сукут саклади. Сўнг хазин овозда: “Энди фойдаси йўк, хўжам. Такдирга тан беринг”, деди.

Юрагимда бир нима чирт узилди, бутун дунё коронгулашди. Турган жойимда хушсиз йикилдим ва анчагача шундай ётдим. Нихоят кўзимни очиб, тун чўkkанини, ёнимда эса хизматкор аёл йиглаб турганини кўрдим. “Эй аёл, наҳотки айтганларинг рост бўлса?” унга мурожаат килдим. “Ха” деб жавоб берди у. Мен ундан хаммасини бир бошдан айтиб беришини сўрадим.

У куйидагиларни хикоя килди: “Сен кетганингдан кейин хўжам, амакингнинг кизи ўзини кўярга жой тополмай колди. Сен кетган кунинг у мендан нима учун бундай килганингни сўради ва мен унга онаси айтган гапларни сенга етказганим учун кетганингни айтдим. Шунда у бечора додлаб: “У шўрлик энди нима килади! Ахир улар бизнинг мухаббатимиз хакида билишмайди-ку!” – деди. Гўё калбидаги яраларни даволагандай сени хеч эсламади. Бир неча кун ичидаёк унинг руҳий хасталиги жисмига ўтди. У ўзини жуда ёмон хис кила бошлади. Олдинги хуснидан ном-нишон колмади, лабларидағи майин табассум аллакаёкка гойиб бўлди, кейин у тўшакка бир ётиб колганича бошка каддини кўтара олмади. Кизининг бу ахволидан онанинг ёмон кайфи учди, уни турмушга бериш хакидаги ўйларни унутди, ахир олдинлари туну кун хаёлида факат шу гаплар бўлар эди-да. У табиб чакиртирди ва кизига караб туриш учун энага хам ёллади. Табиб хам,

энага хам ёрдам бера олмади. Кизнинг кундан-кун ажали якинлашиб келарди. Бир неча кун олдин ёнида ўтирганимда, унинг аста кимирлаб кўйганини сездим. Мен унга томон энгашдим, у кўлидан ушлашимни ишора килди. Мен кўлидан ушладим ва у бир амаллаб туриб ўтириди, кейин соат неча бўлганини сўради. Мен: “Коронгу тун”, деб жавоб бердим. Ўидагиларнинг хаммаси уйкудалигига ва менинг бир ўзим колганимга ишонч хосил килгандан сўнг: “Амакимнинг ўгли каердалигини биласанми?” деб сўради. Мен хайрон колдим, чунки у кўпдан буён сен хакингда гапирмаган эди-да. “Ха, у каердалигини биламан”, – дедим. Аслида сенинг каердалигингни билмасдим, лекин у бечорани ноумид килмаслик учун шундай дедим. Барibir унинг куни битган эди. У мендан: “Хеч кимга билдирамасдан менинг хатимни унга етказа оласанми?” – деб сўради. Мен: “Бу нарса кўлимдан келмас-ов, хоним...” дедим. Аммо у сиёхдонни сўради ва кўлингдаги мана шу хатни ёзди. Тонг отгач, уйдан чикдим-да, сени кидиришига тушдим. Хар бир ўткинчининг юзига тикилиб карайман, сенга ўхшатаман, лекин у бошка бўлиб чикарди. Яна күёш бота бошлади, кеч кирди ва мен уйга кайтдим. Уйга якинлашганимда кулогимга гўянда хотинларнинг товуши чалинди ва мен ажал ўки нишонга текканини, ўзининг таровати ва гўзаллиги билан оламни тўлдириб турган ажойиб атиргул сўнгги япрогини тўkkанини англадим. Мен ёлгиз боласини йўкотган она каби унга жуда куюндим. Дарҳакикат, ўша куни хамма йиглади. Мен учун энг огири шу бўлдики, у умрининг охирги дакикаларида сени кўришни умид килган эди ва бу орзузи ушалмай колди. Мен бу хатни яшириб юриб, сени ахтардим ва охири топдим”.

Мен у аёлга миннатдорчилик билдириб, кузатиб кўйдим. У кетди... Бир ўзим колгач, кўзимни коронгулик коплаётганини сездим ва хеч нарсани кўрмай колдим. Сизни кўрмагунимча нималар бўлганини эслай олмайман”.

Хикоясининг шу жойига келганда йигитча огир хўрсинди, шунда мен унинг юраги ана-ана ёрилади деб ўйладим. Мен унга томон энгашиб: “Нима бўлди, хўжам”, – деб сўрадим. “Ўз калбимни бироз бўлса хам таскин топтириш учун бир томчигина кўз ёши истадим, аммо кани у?”, деди ва жим бўлиб колди. Кейин бир нималар деб шивирлаётгандек туюлди. Мен яна унга энгашдим ва у секин деди: “Эй, Худо, сен менинг ёруг дунёда кимсасиз, ёлгиз эканимни биласан. Мен бир камбагал одамман, менинг суюнчим хам, кўллаб-кувватловчим хам йўқ. Мен заифман, нотавонман, тирикчиликка каердан пул топишни билмайман. Бахтсизлик мени ёмон забтига олди, юрагим сўнгги марта ураяпти... Эй Худо, ахир сен Ўзинг менга жон ато килгансан, мен сенинг амрингта шаккоклик килиб, ўз жонимга касд килолмайман. Шу боис, уни Ўзинг ол, менга берган омонатингни ол, ўз даргохингга кайтар, Сенинг панохингда, Сенинг хузурингда бўлиш кандай баҳт”.

Шундай деб, йигитча бошини чангллаганча заиф овозда: “Бошим ёнаяпти, юрагим эса оғриқдан тарс ёрилай деяпти. Менинг умрим оз колганга ўхшайди... Оллоҳ ўз амрини бажо келтиргач, сиз мени севгилим ёнига кўмишга ва мана бу хатни лахадга мен билан бирга кўйишга ваъда берасизми?”, – деб сўради. Мен: “Яхши, Оллоҳдан рухингизни енгил килишини сўрайман”, дедим. “Энди мен хотиржам жон бераман”, – деди у. Бу унинг сўнгги сўзлари эди.

Бахтсиз йигитча борасидаги кайгум унинг васиятини адо этганимдан сўнг хиёл енгиллашгандай бўлди. Мен уни ўша амакисининг кизи ёнига дафн килдирдим хамда ўша киз ўз олдига келишини сўраб ёзган хатни хам бирга кўйдим. Тириклигига бу чакирикка кела олмаган йигитча хар калай ўлгандан кейин етиб келди-ку.

Шундай килиб, икки мургак калб бирлашди. Хаётлик даврларида бу ёруг оламда уларга

жой йүк эди, аммо ўлганларидан сүнг эса оддий лахад уларга бошпана бўлди.

Рус тилидан Фахриддин Мухаммадиев таржимаси